



# Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 16 may, 20 (557)-son

Sotuvda narxi erkin

## Ўқув машғулотлари ўтказилмоқда

“Бухоро Телеком” филиалида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, вилоят телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш, кўрсатилмаган алоқа хизмати ҳажми ва сифат даражасини ошириш, қўшимча хизмат турларини жорий қилиш ҳамда соҳа ходимлари ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича жорий йилнинг январ ойида тегишли дастур қабул қилинди. Унда алоқа ходимларини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошириш учун вақти-вақти билан ўқув машғулоти ўтказиш ҳам кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда ушбу дастурга мувофиқ корхонада ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда бу ерда шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларининг линия муҳандислари ўз малакаларини оширдилар. Ун беш кунлик ўқув давомида тингловчиларга ҳаво ва кабел алоқа тармоқлари линия параметрларини аниқлашда қўлланиладиган ўлчов асбобларини тўғри ишлатиш бўйича йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди. Ўқув марказидаги назарий машғулотларни “Бухоро Телеком” филиали директорининг ўринбосари Ў.Тўхтаев, Техник хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи О.Бобомуродов ҳамда Меҳнатни

муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар Л.Журбенко ва У.Ғуломовлар олиб бордилар. Амалий машғулотлар эса Бухоро шаҳридаги 2 ва 6-АТСларда ташкил этилди. Машғулотлар якунида ўтказилган синов имтиҳонлари тингловчиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича пухта билим ва малакага эга бўлиб бораётганликларини кўрсатди.

Шунингдек, энергетика таъминоти бўйича ўтказилаётган ўқув машғулотида Бухоро шаҳри телекоммуникациялар боғламасининг энергетика хўжалиги масъул ходимлари ва электромонтёрлар ҳамда туман телекоммуникациялар боғламаларидаги электр хизмати масъул ходимлари тилга олиб ўтилган масалалар юзасидан ўз малака ва билимларини оширмоқдалар. Жумладан, туманлардаги мутахассислар билан олиб борилаётган машғулотлар масофадан туриб, яъни электрон почта орқали амалга оширилмоқда. Машғулотлардан кўзда тутилган асосий мақсад – мутахассис ва техник ходимларнинг боғламалардаги алоқа ускуналарини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича малакасини оширишдан иборатдир.

**А. ИСТАМОВ,**  
Бухоро вилояти

JARAYON

## МУАММО ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

муҳандиси Жўрабек Раҳимов. — Сариканда ҳамда Сарибозорча маҳалласида истиқомат қилаётган аҳоли томонидан боғлама маъмуриятига жуда кўп қабил телефон ўрнатилиш ҳақидаги аризалар тушяпти. Афсуски, уларнинг талабини бажара олмаёмиз. Сабаби, эскирган кабел линияларимизни янгиллаш учун бизда ҳозирча етарли имконият йўқ.

Муҳандис гапида жон бор. Кабел муаммоси уларни қийнамоқда. Алоқачилар таъмирлаш жараёнида турли

муаммо ва қийинчиликларга дуч келмоқда.

Тўғри, боғлама маъмурияти кабелни баҳона қилиб бекор ўтираётгани йўқ. Эскириб қолган кабел линияларини ҳар йили, қолаверса ҳар ойда таъмирлашга ҳаракат қилмоқда, лекин бу аҳволни ўзгартира олмаёпти.

“Фаргона Телеком” филиали мутасаддилари ушбу муаммонинг ечимини топшида боғламага амалий ёрдам бериб туришларини жуда-жуда истардик.

**А. АНБАРЖОНОВ,**  
Фаргона вилояти

Аттестация якуни бўйича бўлиб ўтган йиғилишда почта алоқа хизматига талаб ортиб бораётган бир вақтда раҳбар ходимларнинг синовдан ўтказилганлиги, тақсиф ва услубларнинг муҳим аҳамият касб этиши, шунингдек, келгусида жойлардаги алоқа бўлимлари бошлиқ ва хабарчиларини ҳам аттестациядан ўтказиб бориш билан почта алоқа хизматини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкилланди.

**Б. БОЛТАБОВЕВ,**  
“Наманган почтаси” АЖ  
Умумий назорат инспектори

лавозим йўриқномаси ва аттестация сўровномасида белгиланган саволларга берган жавоблари ҳамда уларга юқлатилган вазифаларнинг бажарилишига қараб 17 нафар раҳбарини эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топди, қолган беш нафари билан эса лавозимлари бўйича суҳбат ўтказилди.

“Фаргона Телеком” филиали Сўх телекоммуникациялар боғламаси меҳнат жамоаси вилоятнинг олис Сўх тумани меҳнатқашаларига алоқа хизмати турларини яхшилаш устида узлуксиз иш олиб боришмоқда. Бироқ бузунги кунда боғлама олдидан айрим муаммолар ўз ечимини топганча йўқ.

— Туманнинг баъзи қишлоқ жойларига тортилган линия, магистрал кабеллар эскириб, жуда ночор аҳволга тушиб қолгани боис телефонларнинг меъёрида ишлатилиши таъминлай ололмаёмиз, — дейди боғлама бош

## АТТЕСТАЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

Халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори почта алоқа хизмати тизимининг ривожланиши ҳам кўп жаҳатдан малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибаларига боғлиқдир.

Яқинда “Наманган почтаси” акциядорлик жамияти тизимидаги барча шаҳар ва туманлар филиалларининг 22 нафар бошлиқ ҳамда ўринбосарларини “Ўзбекистон почтаси” ДАК бош директори Р.Зиқиров раислигида тузилган комиссия аттестациядан ўтказди.

Комиссия ходимларнинг

Америка маркази”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу марказ ЎзДЖТУ ва Марказий Осиё ҳамда Американинг академик ривожланиш ҳамкорлиги (МОААРХ) томонидан ташкил этилди.

Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёда йирик кўпурвчилик солидир этилди. Хорижликлар истиқомат қилаётган бир неча бино портлашти. Оқibatла кўп қабил одамлар оғир яраланди, қурбонлар ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам ҚАРИМОВ Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг “УМИД НИ-ХОЛЛАРИ” спорт ўйинлари нипиторқчиларига табрик йўллади. Пойтахтнинг “Интер-континентал” меҳмонхонасида “Марказий Осиё XXI асрда: ҳамкорлик, шериклик ва мулоқот” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетиде “Журналистикани ўрганиш учун

## OLAMDA NIMA GAP?

●VOQEALAR ●YANGILIKLAR ●XABARLAR

Ироққа ҳарбий ҳаракатлар якунланганидан бун АҚШ мутахассислари мамлакатдаги ўлиб объектларни текширувдан ўтказишди. Урушга қадар БМТ экспертлари ҳам юзлаб шубҳали жойларни кўздан кечиришган эди. Бироқ ҳозирча оммавий қирғин курулини топши йўлидаги ҳаракатлар самара берганча йўқ.

Жаҳон савдо ташкилоти Европа Иттифоқининг АҚШга 4 миллиард

“Хабар” газетасининг 2003 йил, 16-сониде “Бурчимизни унутмасак бўлгани” сарлавҳа остидаги мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг айримлари Сурхондарё вилояти ДАИ бўлинимаси томонидан “Сурхондарё Телеком” филиали Учқизил телекоммуникациялар боғламасида ўтказилган ўрганишда аниқланган ва маълумот билан биргаликда 2003 йилнинг 27 мартда икки банддан иборат 103-сонли кўрсатма берилган.

Ҳозирда шаҳарлараро сўзлашув масканларида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун кўчирмалари, Янгиариқ қишлоғидаги шаҳарлараро сўзлашув масканида лицензия нусхалари осиб қўйилди. Туман марказидаги Ат-Термизий шох кўчасида жойлашган 2 та тарқатиш шкафи, ҳаво кабеллари ва икки дона кабел кудуғи қопқоғи ҳам ўз ҳолига келтирилди. Янгиариқ қишлоқ марказидаги кабел

яшиқлари Учқизил боғламаси томонидан ерга ўтказиш ҳимоя контурлари ва чақмоқ қайтаргичлар билан таъминланди. Шаҳарлараро таксофон шартнома асосида ижарага берилган бўлиб, ҳақиқатдан ҳам кабина ўрнатилмай хизмат кўрсатилмаганлиги учун боғлама томонидан ижарачи билан керакли жиҳозлар ва шарт-шароитлар яратиш тўғрисида келишилиб олинди.

Учқизил телекоммуникациялар боғламасида йўл қўйилган камчиликлар учун “Сурхондарё Телеком” филиалининг 21.04.03 й. 54-сонли буйруғи билан боғлама бошлиғи ишда қолиш қолмаслиги кўриб чиқилиши кўрсатиб ўтилди. “Сурхондарё Телеком” филиали томонидан барча боғламаларга кўрсатма берилиб, камчиликларни бартараф қилиш ва бажарилиши бўйича филиалга маълумот тақдим қилиш топшириқлари берилди.

**У. АШУРОВ,**  
“Сурхондарё Телеком” филиали директори



«Андижон Телеком» филиали Балиқчи телекоммуникациялар боғламасининг Чинобод қишлоғидаги «Бургут» сўзлашув маскани.

Р.УЗОҚОВ олган сурат

TANQIDDAN SO'NG

## КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Би-би-си тарқатган маълумотларга қараганда, Германияда апрел ойида ишсизлар сони яна 44 миң кишига кўпайган. Яқиндагина 4 миллион ишсиз аҳоли мамлакат учун фожеа деб қабул қилинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 4,5 миллионга етиб қолди. Мавсумий омиллари инобатта олмаганда, мамлакатда ишсизлик даражаси 10,8 фоизни ташкил этмоқда. Муҳолифат ва иқтисодчилар ҳукуматдан янги иқтисодий ислохотлар ўтказишни талаб қилишмоқда.



## DOLZARB MAVZU

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР РИВОЖИДА  
ХОРИЖ САРМОЯСИНИНГ РОЛИ

**Бугунги кунда Ўзбекистон сўбсатиининг муҳим вазибаларидан бири иқтисодиёт секторларига хориж сармояларини жалб қилиш ҳисобланади. Бу телекоммуникациялар соҳасига ҳам тегишлидир.**

Чет эл сармоялари мамлакат иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда катта аҳамиятга эга. Тараққийётнинг зарурий омилларидан бири ҳисобланган телекоммуникация соҳасига бевосита инвестиция киритиш белгиланган режаларни бажариш, янги ва замонавий техника-технологияларни жорий қилиш, меҳнат самардорлигини оширишда, ҳуллас ҳар жиҳатдан ўз фойдасини беради. Хорижий сармояларнинг киритилиши учун бозорда соғлом рақобат бўлиши лозим. Амалиётдан маълумки, бир соҳанинг ривожланиши учун камида учта компания ўртасида ўзаро рақобат бўлиши керак. Соғлом рақобат мавжудлиги эса хизмат нархининг пасайиши ва сифатининг ошишига туртки бўлади. Бу аввало жамият учун фойдалидир. Қолаверса, рақобатта дош бера оладиган, замонавий ва ишончли телекоммуникация тизимига иқтисодий самара билан фаолият кўрсатади.

Сўнгги йиллар мобайнида телекоммуникация соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бу уяли ва йўлдошли алоқа, Интернет ва Маълумотлар узатиш тизимининг шиддат билан ривожланиб бораётганида яққол кўринади. Мамлакатимизда бутунги кунга келиб айнан мана шу йўналишларда кучли рақобат шаклланиди. Мазкур хизматларнинг йилдан-йилга сифати яхшиланаётгани ва қулайлиги ошаётгани ҳаммага маълум. Хорижий сармояларнинг асосий қисми

телекоммуникациянинг айнан шу йўналишларига киритилаётгани ҳам бежиз эмас.

XXI асрнинг "Ахборот асри" дея эътироф этилаётгани телекоммуникация тизими жуда катта салоҳиятга эга эканини тасдиқлаб турибди. Шунинг учун бу йўналишга барча соҳа вакиллари алоҳида эътибор билан қарашмоқда. Келгусида, у қайси иш билан машғул бўлмасин, биринчи бўлиб ахборотга эга бўлган кишигина муваффақият қозонади ёки аксинча. Буни тўғри тушунаётган алоқа ва ахборотлаштириш тизимига ўз сармояларини кўпроқ киритишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон телекоммуникация бозори ҳам хорижликларда катта қизиқиш уйғотган. Сабаби, мамлакат телекоммуникация тизими улкан салоҳиятга эга. Ривожланишининг юқорилиги, бой тажриба, катта илмий салоҳият, профессионал менежмент, замонавий рақобат ва бозорда талабнинг юқорилиги — буларнинг барчаси йirik чет эл компаниялари эътиборини ўзига қаратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан хориж сармояларини жалб қилиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасида маълум ишлар қилинди. "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ва "Хорижий инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши сармоядорларнинг Ўзбекистонда эркин фаолият юритиши, тadbirkorлик билан шуғулланиши ва яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишини кафолатлади. Лекин бу борала мавжуд имкониятларнинг барчаси ишга солиниди дейиш нотўғри бўларди. Ҳали олдинда қилиниши зарур вазибалар кўп. Уларнинг амалга оширилиши эса имкониятларимизни янада ошириб юбориши шубҳасиз. Бу ҳар жиҳатдан ўзимизга фойда.

Т.САИДХОНОВ,  
ТАТУ магистранти

## КАСБИГА СОДИҚ ИНСОН

Инсон чин дилдан ўз касбига меҳр қўйсагина уни ардоқлайди, ишдаги ҳар хил қийинчиликларни сабот билан енгишга ҳаракат қилади. Бошқа жойдан каттароқ маошли ишга таклиф этилганда ҳам ўз соҳасини ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Чунки дарахт бир жойда кўкларди...

"Хоразм Телеком" филиали жамоасида унинг-ўсган, устозлар ўғли ва тажрибасини олган Рўздат ҚУРБОНОВ 35 йилдан буюн Телеграф бўлимида хизмат қилиб келмоқда.

Катта электромеханик Рўздат Телеграфга ҳақер деганлари ҳам Қурбоновни биринчи бор кўрган бузиб кира олмайди, юборилган



маълумотлар аниқ эгасига етиб боради, — дейди Р.Қурбонов — Телеграфнинг афзалликларини билган корхона ва ташкилотлар ҳозиргача биз билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Россиянинг Москва, Самара шаҳарлари ва

ва суҳбат қурган инсон ҳам унга боғлиқ бўлади. Кишини ўзига жалб қиладиган самимий ҳечраси, очик ва табиий муомаласи камтарликдан далолат беради. Телеграфнинг юраги ҳисобланган жонажон чеки улзукисиз алоқани таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Тифловчи ускуналар бекаму-кўст ишлаши боис мижозларнинг маълумотлари манзилга ўз вақтида етиб бормоқда. Битта линияда 48 канал ишлатилиб, маълумотларини қабул қилиш ва узатиш ишлари амалга оширилмоқда. Учта мажмуа Тошкент билан, қолганлари туманлараро алоқани таъминлайди.

— Кейинги йилларда ҳаётиимизга факс ва Интернет кириб келиши билан телеграф алоқасига эътибор бирмунча сусайди. Лекин телеграфнинг ўзига яраша устуниги бор. У ҳаммаша ишончли восита сифатида қолаверади.

Суратда: "Хоразм Телеком" филиали Телеграф бўлими катта электромеханик Рўздат ҚУРБОНОВ ва электромонтёр Муассар ОЛЛАБЕРГАНОВА.

Ф. МУҲАММАДИЕВ,  
Хоразм вилояти

ҚУРИШДАН ОЛДИН  
ЎЙЛАНГ

Алоқа ва ахборотлаштириш ишюотлари ҳамда тизимларнинг лойиҳалаштирилиши ва қурилиши амалга ошираётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг давлат ва тармоқ стандартлари, қонун ва меъёрий ҳўжатлар талабларига риоя қилиши устидан назорат олиб бориш Давлат алоқа инспекциясининг вазибаларидан бири ҳисобланади.

Соҳамизда алоқа объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича фаолият олиб борувчи ҳўжалик юритувчи субъектларни режага мувофиқ текшириш натижаларига кўра, уларнинг баъзилари томонидан алоқа объектларини қуриш тартиби масалаларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳўжатлари бузилиши ҳўллари аниқланди, жумладан:

"НОСТ" масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рухсат элуви ҳўжатлари (лицензия)сиз "Янгиер ШАБ (шаҳар алоқа боғламаси) РРЛ — Янгиер шаҳар насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси" лойиҳаси ишлаб чиқилган;

"ТЕЛКО" қўшма корхонаси томонидан Андижон ва Сирдарё вилоятларида антенна-мачта иншоотларини ўрнатиш ҳамда шаҳасий радиочақирув кўчма радиостанциялари монтаж ишлари, "АВТОАЛОҚА" акциядорлик жамияти томонидан эса Самарқанд-Чўпонота йўналишида "Constant" РРСни ўрнатиш ишлари лойиҳа-смета ҳўжатлари-сиз амалга оширилган.

Давлат алоқа инспекцияси томонидан аниқланган камчиликлар юзасидан мазкур субъектларга тегишли кўрсатмалар бериб, унинг бажарилишини назоратта олди.

Давлат алоқа инспекцияси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида лойиҳалаш ва қурилиш бўйича фаолият кўрсатаётган барча

ҳўжалик юритувчи субъектларга қўйиладиганлари эслатади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил, 19 декабрдаги 557-сонли қароридан 1998 йил, 1 январдан қурилиш объектларида лойиҳа-смета ҳўжатларисиз иш олиб бориш тақиқланган ҳамда қурилиш объектларини параллел равишда лойиҳалаштиришга илгари берилган барча рухсатномалар бекор қилинган. Қарорнинг 10-бандида "Лойиҳалаштириш манбалари мавжуд бўлганда қурилиш объектларини параллел равишда лойиҳалаштириш баъзи ҳўлларида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириш мумкинлиги белгилансин", деб кўрсатишган.

2. Қурилиш тугалланган объектларини фойдаланишга топириш вақтида буюртмачилар томонидан қабул комиссиясига тақдим этилган ҳўжатлар тўпламининг тўлиқ тақдим этилма-лиги ҳамда алоқа объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича далолатномалар ўрнатилган шаклларда расмийлаштирилмаслиги ҳўллари учраб турибди. Бу 31.04.99 "Қурилиш тугалланган объектларини фойдаланишга қабул қилиш" қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг бузилишига олиб келмоқда.

Давлат алоқа инспекцияси алоқа объектларини лойиҳалаш ва қурилиш бўйича шуғулланаётган барча ҳўжалик юритувчи субъектларига "Телекоммуникациялар объектларини қуришда лойиҳа-смета ҳўжатларини тайёрлаш, келиши ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги ва "Қурилиш тугалланган телекоммуникациялар объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидалари" тўпламиндан фойдаланишларини тасвир этади. Тўплам Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан тайёрланган.

Л.ЧУБ,

Давлат алоқа инспекциясининг Қурилиш бўлими етакчи муҳандиси

E'loni TOHKENT  
ALOQA KOLLEJI

2003-2004 o'quv yiliga 9-sinfni bitirganlar uchun quyidagi mutaxassisliklar bo'yicha qabul e'lon qiladi:

1. Kommunikatsiya tizimini ishlatish va ularga xizmat ko'rsatish (o'zbek va rus guruhlari)
2. Analog va sonli uzatish tizimlarini ishlatish va ularga xizmat ko'rsatish (o'zbek va rus guruhlari)
3. Pochta aloqasi xizmatlarini tashkil etish (o'zbek guruhi)
4. Menejment (o'zbek guruhi)
5. Buxgalteriya hisobi (o'zbek guruhi)
6. Aloqa va radiolashirish liniya inshootlaridan foydalanish va ularga xizmat ko'rsatish (o'zbek guruhi)
7. Radioaloqa, televideniye va radioeshittirish jihozlariga xizmat ko'rsatish (o'zbek guruhi).

Talabgorlar quyidagi hujjatlarni topshirishlari kerak:

- Kollej direktori nomiga ariza;
  - ma'lumoti haqidagi hujjatning asl nusxasi;
  - 086/U shaklidagi tibbiy ma'lumotnoma;
  - 3x4 hajmdagi 8 ta fotosurat;
  - doimiy yashash joyidan berilgan ma'lumotnoma;
  - tug'ilganlik haqidagi guvohnoma ko'rsatiladi.
- Hujjatlar 20 maydan 1 avgustgacha qabul qilinadi. Viloyatdan kelgan abituriyentlar yotoqxonaga bilan ta'minlanadilar.

Manzillimiz: 700128, Toshkent shahri, U.Yusupov ko'chasi, 70-uy.

Ma'lumot uchun telefonlar: 41-35-58, 41-12-48.

Transportlar: 27-tramvay hamda 97, 148, 18, 14, 179 - avtobuslarning "Aloqa kolleji" bekati.

## ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИ

2003/2004 уқув йилига 11-синфни битирганлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

Автоматик электр алоқаси (кундузги — ўзбек ва рус тилларида; сиртки — ўзбек тилида).

Кўп каналли алоқаси (кундузги — рус тилида; сиртки — рус тилида).

Кабел иншоотларини қуриш ва уларни ишлатиш (кундузги — рус тилида).

Телевизион техника ва радиореде алоқаси (кундузги — ўзбек тилида).

Почта алоқаси (кундузги — ўзбек тилида; сиртки — ўзбек тилида).

Алоқа корхоналарида иқтисод ва режалаштириш (кундузги — ўзбек тилида; сиртки — ўзбек тилида).

Алоқа корхоналарида бухгалтерия ҳисоботи назорати ва ҳўжалик фаолияти таҳлили (кундузги — ўзбек тилида; сиртки — рус тилида).

Ўқишга махсус синовлардан муваффақиятли ўтганлар пулли — тўлов (контракт) асосида қабул қилинади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар жорий йилнинг 1 августигача (шу куни ҳам) қуйидаги ҳўжатларни тақдим этишлари керак:

- Коллеж директори номига ариза;
- маълумоти қақидидаги ҳўжатнинг асл нусхаси;
- 3x4 ўлчамли 8 та фотосурат;
- 086/U шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт (гувоҳнома) ва қарбий хизматга алоқадорлиги қақидида ҳўжат (шаҳсан кўрсатилади);
- меҳнат дафтарчасидан қўчирма.

Вилоятдан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент алоқа коллежиди шу йилнинг 26 май кундан бошлаб тайёрлов курслари ўз фаолиятини бошлайди!

Курсларга 9 ва 11-синф маълумотларига эга бўлган тинловчилар қабул қилинади.

Машғулот математика, она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 70-уй.

Қўшимча маълумотларни 41-12-48, 41-19-80 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлиқнинг Кадрлар ҳамда мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бош мутахассиси Т.Хужакуловга онаси

ҲАДИЧА аянинг


вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# УЯЛИ АЛОҚА: ЕТАКЧИЛИК КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

SHARH

(Охири. Аввали газетамизнинг ўтган сонларида.)



## Уяли алоқа муаммолари

Уяли алоқа ҳозир Ўзбекистондаги энг жадал ривожланган ва рақобатли бозорлардан бири бўлишига қарамай, унинг ривожланишига тўқтинлик қиладиган кўп фовлар мавжуд. Булардан асосийси, Ўзбекистон валюта бозорига конвертациялаш масаласидир. Тармоқни кенгайтириш, алоқа сифатини сақлаб туриш, катта эҳтиёж сезилаётган автомат роуминг хизматини кўрсатиш учун доимий капитал маблағлари зарур. Бироқ хизматнинг бу турини тақриб этиш ва ускуналарни сотиб олиш нафақат техник сабабларга, балки конвертациялаш ва валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш муаммолари тўғрисида қийинлашмоқда. Бу ҳол хизмат таннарихига анча таъсир қилмоқда ва ҳатто каттик рақобат шароитида ҳам истеъмолчилар учун тарифларни қийматлаштиришмоқда. Бундан ташқари, компанияларнинг хориждан кредитлар олиши мушкуллашмоқда. Хориждан кредитлар олиш ускуналарни замонавийлаштириш ва тармоқни кенгайтириш ҳисобига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга имкон берган бўларди.

Уяли алоқа бозорига рақобатни янада ривожлантиришга тўқтинлик қилаётган яна бир фов лицензия олиш учун давлат божи миқдорининг катталиғидир. Бугунги кунда у Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун давлат божининг миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-сонли қарорига мувофиқ бунун республика бўйича бир йилги энг кам иш ҳақининг 140000 бараварига тенг, чекланган ҳудуд доирасида фаолият юритувчи операторлар учун эса 1000 кишига энг кам иш ҳақининг 5,85 баравари миқдорига белгиланади. Лицензиянинг қимматлиги уяли алоқа компаниялари хизматининг қимматлаштиришга олиб келмоқда, пировардида эса истеъмолчига таъсир қилади. Шунинг ташқилида жомикчи, уяли тармоқлар операторларини лицензиялашнинг ушбу тизими самарасиз, у кичик ва янги ташкил этиладиган уяли тармоқ операторлари рақобати учун тенг шариот яратмайди. Абонентлар миқдори етарлича кўп бўлган операторларнинг молиявий фаолиятига лицензия учун божининг қиймати жиддий таъсир қилмайди, чунки бир абонентга унинг салмоғи кичик компаниялардагидан анча кам.

Операторлар учун тенг шариотлар яратиш ва рақобатни

ривожлантириш мақсадида лицензия бериш тартибини, бож ҳажмини қайта кўриб чиқиш, уни лицензияга олиш чоғидаги абонентлар сонига боғлиқ қилиб қўйиш ва кейинчалик уни ўзгартириш мақсада мувофиқдир.

Хорижий компанияларни камситадиган далиллар уяли алоқа хизматининг ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол тариқасида рекламани амалга ошириш чоғида амал қилаётган қўшалоқ тарифларни келтириш мумкин. Чунки, давлат телевидениесига реклама нархининг икки тури мавжуд – маҳаллий компаниялар учун арзон нарх ва хорижий инвестициялар иштирокидаги компаниялар учун оширилган нарх. Очик бозорда адолатли рақобат муҳитини яратиш учун бундай камситувчи далиллар бартараф этилиши лозим.

Уяли алоқа бозорига чиқиш ва унинг кейинги тараққиёти маълум даражада чекланган. Фойдаланилмаётган частота ресурсларининг йўқлиги сабабли бу фаолият билан шугулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тўғрисидаги аризалар ҳозир кўриб чиқилмапти. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотиغا кўра янги уяли алоқа операторларидан бири кўрсатилган диапазонларда ўзига ажратилган частотадан фойдаланишдан воз кечсагина кўриб чиқиши мумкин. Чиндан ҳам бозор ҳажми чекланган ва операторлар сонини кўпайтириш имконияти йўқ. Хизматнинг янги турларини жорий этиш, алоқа сифатини яхшилаш, фазит Тошкентда ишлаётган компаниялар ("Перфектум Мобайл", "Бузел", "Ўзмаком" ҚКлари) қамрайдиган зоналарни кенгайтириш ҳисобига рақобатни ривожлантириш мумкин.

Хизмат хавфсизлиги масаласи ҳам муҳимлигича қолмоқда. Кўпгина ривожланган мамлакатларда хавфсизлик стандартлари ва уяли телефонлар нурланиши чегараси қаттиқ тартибга солинади, нурланиш даражасини мажбурий белгилаб қўйиш жорий этилган. Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш мақсадида уяли алоқа хизматининг хавфсизлик стандартларини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун "Ўстандарт" агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазириликка савий-ҳаракатларини бирлаштиришлари лозим.

Уяли алоқа соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳалол рақобат ва реклама масалалари ҳам долзарбдир. Рақобатни ривожлантиришга ва соғлом рақобат муҳитини яратишга тўқтинлик қилаётган кўп фовлар истеъмолчилар ва уяли алоқа хизмати кўрсатувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилот мавжуд бўлсагина ҳал қилиниши мумкин. Шу муносабат билан уяли алоқа хизмати операторлари ва истеъмолчилари уюшмасини тузиш масаласини кўриб чиқиш мақсада мувофиқдир. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, уяли тармоқ операторлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари уюшманинг муассислари бўлиши мумкин.

Анвар Хўжаев

## БАҒДОД ХАЗИНАСИ ИНТЕРНЕТ ЁРДАМИДА КЎРИҚЛАНАДИ

Интернетда янги веб-сайт пайдо бўлди. Унинг мақсади Бағдод музейларидан ўғирланган экспонатларнинг Интернет-савдосини аниқлашдан иборат.

Сайтни яратиш гоёси Халқаро санъатшунослар ва археологлар, университет профессорлари, музей хизматчилари ва хусусий коллекциячилардан чиқди. Уларнинг фикрича, бундай йўл тутилиши йўқолган нарсаларнинг топилишига катта ёрдам беради.

## ЭСТОНИЯ: ҚОҒОЗБОЗЛИКНИ ЙЎҚ КЎРГАНИ КЎЗИМ...

Эстония электрон бошқарувли мамлакатга айланади. Хужжатларни чоп этиш, кў



минг сонли нусха кўчириш, турли хил папкалар тайёрлаш ва бошқа бюрократия энди тарихда қолади. Буларнинг барчаси Вазирнинг Маҳкамасини қоғозсиз хужжат алмашинувига ўтказувчи янги қонун шарофатидандир.

Технология масалалари бўйича давлат маслаҳатчилари фикрича, компютерлардан фойдаланиш Эстонияга йилига 200 минг АҚШ долларини тешаш имконини беради. Бу айнан ўша қоғозбозликка сарф қилинадиган йиллик харажатлардир.

Эстония пойтахтида ҳукумат бошқаруви вакилларини техника ва электрониканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга ўқитадиган академия ҳам иш бошлаб улгурди.

Айтиб ўтиш лозимки, Эстониянинг оддий фуқаролари ҳам Интернет хизматидан фаол фойдаланмоқдалар. Мамлакатда 500 дан ортик оммавий веб-терминаллар

## КЎҚДАЛАЛИК НИКОЛАЙ БОБО

**Николай Ивашков 1947 йили йўлланма билан Кўқдалага ишга келганида 27 ёшда эди. Манса, 56 йилдирки бу юрт унинг ватанига, ўзи эса ҳақиқий кўқдалаликка айланиб қолди. Шу ерда оила курди, фарзандларини ўстирди. Эндилликда Икинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда меҳнат фахрийси Н. Ивашковни Кўқдала ва Чироқчида яши биллашди, ҳурмат қилишди.**

Айни пайтда 83 ёшли Николай бобо умрининг салкам 40 йилни Чироқчи тумани телефон алоқаси тараққиётига бағишлади. Шу давр мобайнида Кўқдала худудига телефон алоқасининг янги ишлашига муносиб ҳисса қўшди. 1980 йили нафақага чиққандан кейин ҳам раҳбарларнинг илтимосига кўра яна тўққиз йил ишлаб берди. Телефон алоқаси тизимида техник, электромеханик касблари бўйича қатор шоғирлар тайёрлади.

— Ярим асран ошдикки, мен Кўқдалани ўз юртим, кўқдалаликларни эса оға-иниларим ҳисоблайман, — дейди Николай бобо. — Ўтган



## ҚОЗОГИСТОН СОТИШГА ТАЙЁР

Қозоғистон ҳукумати "Қозоқтелеком" миллий телекоммуникация компанияси давлат пакетининг 50 фоизини 2004 йилиёқ сотиши мумкин дея маълумот берди мамлакат вазири Зейнулла Какимжонов.

Мазкур дастурда "Қозоқтелеком"нинг халқаро ва шаҳарлараро алоқа бора-борасидаги монополияга барҳам бериш мақсади кўзда тутилмоқда.

— Жорий йилда бўлмаса керагу, аниқроғи келаси

йили "Қозоқтелеком" акцияларининг ярмини сотамиз, — деди З.Какимжонов Тошкентда ўтказилган Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг йиллик йиғилишида. Бундан бошқа аниқроқ маълумотларни вазири эълон қилмади.

Ҳозирда "Қозоқтелеком"нинг 50 фоиз акцияси давлатга тегишли бўлса, 30,05 фоизи Қозғижбанка, 6,73 фоизи Bank of New York ва бошқаларга тааллуқлидир.

## "КОМПЮТЕКС" ҚОЛДИРИЛДИ

Дунёда энг катта кўргазмалардан бири — "Компютекс" компютерлар кўргазмаси номаълум пневмония эпидемияси тўғрисида ортага сурилди.

Кўргазма мазкур ҳафтада Тайванди очилиши лозим эди. Бироқ ташкилотчилар "Компютекс" тақдимотини 2003 йилнинг якунига қолдиришга мажбур. Ҳозирча кўргазманинг ўтказилиши жойи ҳақида бирор тўхтамга келингани йўқ.

мавжуд ва бу амалий жиҳатдан Европа рекорди ҳисобланади. Бутунжаҳон Иқтисодиёт форуми маълумотиغا кўра Эстония аҳолиси Интернетдан фойдаланиш борасида жаҳоннинг юқори ўн мамлакатини орасидан жой олган.

Тармоққа кириш учун қарийб барча аҳоли тўлғанадиган жойларда бепул терминаллар жорий қилинган. Жорий йилнинг март ойидан ҳар бир эстониялик барча ҳужжат нусхалари сақланувчи ҳукумат сайтига



кириш ҳуқуқини кўлга киритди. Мазкур сайтнинг ўзидан бошқа бошқарув тизимлари серверларига ҳам кириш имконияти яратилган.

Бугунги кунда ҳар ўнчи эстониялик солиқ декларациясини Интернет орқали топширади. Оилаларнинг ями маиший хизмат тўловлари ҳисоб-китобини Тармоқ орқали амалга оширади. Эстониянинг барча мактаблари ва кўплаб болалар боғчаси Интернетга уланган.

Internetdan olindi

## FAXRIYLARIMIZ

шунча вақт ичида бу ерда жула кўп дўст-биродарлар орттирдим. Фурсатдан фойдаланиб яқинда нишонланган касб байрамимиз, Хўқдала ва Қадрлаш кўни муносабати билан алоқа тизимининг барча ходимларини чин дилдан табриқлайман, ишларида омадлар тилайман. Шунингдек, Чироқчи туманида электр алоқа соҳасини ривожлантиришга ўз умрларини бахшида этган ва орамиздан бевақт кетган ҳамкасбларини Абдурахмон Йўлдошев ҳамда Саиднаби Питоқовлар номини ҳурмат билан ёлға олам.

Ҳа, кекса алоқачининг дил сўзлари кўп. У мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлайди, истиқлол тўғрисида эришилаётган муваффақиятлардан қувонади. Чироқчи телекоммуникациялар боғламаси маъсул ходими Ҳамза Эшонқулов ҳамда Кўқдала телефон тармоқлари бошлиғи Қобил Оқбоблар устозлари Николай бобонинг алоқа соҳасидаги катта хизматларини эътироф этиб, у кишига узоқ умр ҳамда соғлиқ-омонлик тиллайлар.

Б.ЖУМАЕВ,  
Қақшалар ёлғияти



Артистларнинг бир умр мустақкам оила қуриши камдан-кам рўй берадиган ҳолатдир. София Ротару ва Анатолий Евдокименко 34 йил муҳаббат асосига бирга умргузаронлик қилишди.

София Ротару Новоселицк туманига яшовчи узуқлиқ хўжалиқ бригадир оиласига дунёга келди. У оиладаги олти нафар фарзанднинг иккинчиси эди. Булажак эстрада юлдузи уй юмушларини бажарар, ситир соғар, бозорда кўкатлар сотар эди. Катта опаси Зина шиф хасали билан оғриб, кўр бўлиб қолганидан кейин укалари ва сингилларига қараш ҳам кичкина Софя бўйнига тушди.

“Соня, сени юқоридан телефонга сурашшти, тез етиб кел!” Телефонда эса жонига теккан йигитнинг овози: “Телефонни кўймагин жоним!”

1968 йил, 22 сентябрда уларнинг туйи бўлди. Уч кечаю уч кундуз бутун қишлоқ мириқиб байрам қилишди. Туйда молдован ва украин қўшиқлари янгради. Уйда тайёрланган вино суддай оқди... Бир неча йиллардан

Туйдан кейин София уч йилга сахнани тарк этди. Улар уғили бўлишди. Сунгра София эри билан Черновиц филармонияси қошида “Червона рута” ансамблини тузди. Кейинроқ Анатолий Евдокименко ансамбл бадий раҳбари, хотинининг продюссери бўлди. 1976 йили С.Ротаруда астма касаллиги бошланди. Врачларнинг маслаҳати билан улар Ялтага кўчиб кетишди.

1984 йили София учун биринчи бахтсизлик рўй берди. Саҳнада узини йўқотиб қўйди. Шунда томошабинлар хайрон қолиб, София ақдан озибди, дейишганди. Ҳақиқатда эса 6 йил меҳнат таълилизис ишлаш, киноларда рол уйнаш, мунгазам 137 марта концертлар ўтказиш — буларнинг барчаси эстрада юлдузи Софияга

**Mashhurlar hayoti**



Топпан маблагининг асосий қисми қимматбаҳо дориларга кетди...

**СОФИЯ РОТАРУ:**

**“ХАЙР МЕНИНГ СЕВГИЛИМ!”**

Орадан йиллар ўтди. Украинлик аскар — куруви ва ўқитувчининг уғли Толя Евдокименко “Украина” журналининг муқовасида республика хаваскорлар кўрик танлови голубиси 17 ёшли София Ротаруга кўзи тушди. Шу лаҳзанинг уздаёқ юраги жиз этиб, уни севиб қолди. Қандай бўлмасин уни қидириб топишни аҳд қилиб қўйди. Сонининг журналдаги фотосурати армия хизмати тутагунча деворда осилқ турди. Хизматдан сунг Анатолий Евдокименко Черновицга келди. Мусиқа билим юртидан София исми гузал потаниш қиз турадиган ётоқхона манзилни билиб олди. Шундай қилиб у ҳар оқшом София турадиган ётоқхона

с у н г узининг интервьюларидан бирида хонан-да шундай деганди: “У менинг ягона муҳаббатим, маслаҳатчим, ёрдмчим, дўстим. Ҳаттоки, кийим ва мусиқа асбобларини ташувчи ҳамдир. Буларнинг барчаси оғир ва қийин бўлса-да, у ҳаммасини бажаради. Энг муҳими у режиссёр ва менинг барча дастурларим постановкачицидир. Албатта, бир-биримиздан зерикиб ҳам тураимиз. Бирок ўртада муҳаббат бўлса ҳаммаси бекор экан. Мен буларни бутун ҳаётим давомида кузатдим, кўрдим. Толк менга тақдирнинг иғъомидир”. Эри эса мавзунин давом эттириб бундай деганди: “Соня, бу Соня. У туйгаю ў характерининг қандайлигини намоён қилиб бўлганди. Агар ростманасига айтадиган бўлсам, усиз яшашим мушкул. У овқатни ресторандагидек тайёрлайди, уй-рузгор юмушларини бекаму куст бажаради. Биз бир-биримизни тушуниб яшаймиз. У мучали бўйича йулбарс. София билан баҳслашиш қийин. Биз камдан-кам баҳслашамиз”.



огириқ қилганди. Ово-зида ҳам узаринг рўй берди. Шундан сунг томоги зудлик билан операция қиланди. Врачлар сузлаш ва қўшиқ айтишни тақиқлашди. Ротару эса ўн кундан кейин яна куйлай бошлади. Бу уз асоратини курсатди. Иккинчи операциядан сунг Софияга бир ой сузлаш ва бир йил ишлашга рухсат беришмади.

шундай қийин дақиқаларда бир неча соат эри ёнида бўлиб, ҳаётлариди энг бахтли куналарни эслатди. Шунда муъжиза рўй берди. Анатолий Евдокименко кўзини очди. Бирок бир неча дақиқадан сунг унинг юраги уриншдан тўхтади... Врачлар София Ротарунинг узоқ вақт хонадан чиқара олишмади. У қадарон турмуш ўртоғининг вафот этганига ишонмасди.

Дафн маросимида София турмуш ўртоғи қуливи силаб шундай деди: “Хайр менинг севилим! Билман, сен хозир ухлясан ва албатта яна олдимга қайтиб келасан!” Шу пайт қутилмаганда қаттиқ шамол кўтарилиб, ҳаммаёқ тус-гўлопон бўлиб кетди. Майит устидаги темир қолқоқ Софиянинг бошига келиб уриди. София эса буни сезмади ҳам... Майит қабрга қуйилгандан сунг София Ротару дахшат билан қичқирди ва ёнида турган ўглининг қулига хўшсиз йиқилиб тушди. Бу унинг ҳақиқатдан ҳам энг севилими кишидан ажралгандани ишончи эди.

Ҳа, дунёда қадарон инсондан айрилмишдек оғир дард бўлмаси керак. Бирок ҳаёт борки, дунёга келиш ва ўлиш бор. Аммо худо берган умрин қай тарзда ўтказиш — бу бошқа нарса. Ҳаётда севиб, севилиб яшашга не етсин. София Ротаруга ана шундай бахт насиб этганди.

Жаҳонгир ШЕРМАТОВ тайёрлади



деразиси остида пайдо бўла бошлади. София рошпа-роса икки йил қатъиятли йигитни ўзига яқин йўлатмади. Толкнинг тоқатит-тоқ бўлди. У ёрдан сураб юқори лавозимда ишлайдиган акасига мурожаат қилди...

**АЁЛЛАРГА СИНЧКОВЛИК БИЛАН ТИКИЛИШ ХАВФЛИ**

- Жавоб севиғиси бўлмаган ҳолда ўз хотинининг яхши кўриб қолишдан ёмони йўқ.
- Эрга хотинидан фақат битта нарсанинг керак бўлгани у қадар ёмон эмас, унга аёлидан ҳеч нарса керак бўлмагани ёмон.
- Никоҳ — муҳаббат учун берилдиган бир умрлик жазодир.
- Никоҳ — хузурбахш бўсангин мажбурийат бўрасига айланмиш мўъжизасидир.
- Никоҳ — иккинчи саргузаштлар оралиғидаги қисқа танаффусдир.
- Агар узингиз билан бирга олиб келмасангиз, никоҳда бахтни топши мушкул.
- Дусларинг сени қандоғ бўлсанг шундоғлигингча ёқтиришадди; хотининг сени севади ва сендан бошқа одам ясамоқчи бўлади.
- Никоҳ — севиғидан қолган бор-йўқ ёдгорликдир.
- Кейинчалик ҳам буйроқ беришим мумкин дея ўз котибасига уйланган одам келажакка ишонувчандир.
- Агар хотиним мени ростдан ҳам яхши кўрганида эди, у бошқа одамга турмушга чиққан бўлув эди.
- Бошқа аёлларга ёки ўз хотинига синчковлик билан тикилиш эркакларни хиёнатта ундайди.
- Эркаклар ҳаддан зиёд унутувчандирлар, ҳатто уйланганлигини ҳам тез-тез эсдан чиқариб қўядилар.
- У хонимни бошқалардан кўра кўпроқ севади, аммо бунга ишонч ҳосил қилиш учун унга бошқалар керак эди.
- Енгилтақ аёл сизни енгилтақлик билан, жиддий аёл эса жиддий алдайди.

Ш.ЭРТАШЕВ тайёрлаган

**Газетамизнинг жорий йил, 18 сонлда чоп этилган БОШҚОТИРМА ЖАВОБИ:**

- Эшига:** 1. Саҳрон Кабир. 7. Муҳаммад Али. 15. Гавайи. 16. Дав. 17. Боку. 18. Денгиз. 21. Духоба. 23. Сват. 24. Ҳожи. 25. Бухоро. 29. Тирана. 30. Алпомош. 31. Аккар. 32. Япония. 35. Епископ. 36. Кабиса. 40. Оқайма. 41. Укки. 42. Кипр. 43. Лондон. 46. Қашган. 48. Айвқ. 49. Рота. 50. Қалхат. 53. Владикавказ. 54. Каттақўрғон.
- Бўйига:** 2. Аз. 3. Риал. 4. “Икарус”. 5. Али. 6. Индиана. 8. Улуғбек. 9. Анд. 10. Минора. 11. Доим. 12. Ля. 13. Аляска. 14. Нодира. 19. Канарейка. 20. Подшипник. 22. Олимпия. 26. Хурросон. 27. Спит. 28. Амаки. 33. Нишара. 34. Яхулий. 36. Картон. 37. Баллада. 38. Якутск. 39. Солиқ. 44. Санд. 45. Савр. 47. Нов. 50. Кит. 51. “Ил”. 52. До.

**TABRIKLAYMIZ!**

“Xabar” газетаси жамоаси газетанинг жамоатчи мухбири, “Фаргона Телеком” филиали Сўх телекоммуникациялар боғламаси ходими **Асқарбек АНБАРЖОНОВ**ни туғилган кунин билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамда ишлариди ривож тилаб қолади.

**XANDALAR**

- Отаси ўғлига олма бериб деди:  
— Уғлим, нима дейиш керак?  
Ўғил:  
— Ассалому алайкум, олмажон. \*\*\*
- Санаторияда:  
— Бугун тушлиқда фақат чой берилади!  
Дам олувчи:  
— Ҳеч бўлмаси, қанд соларсиз.  
— Ҳали қайнатиб бер ҳам дерсиз? \*\*\*
- Сайёҳ ён дафтарчасидан:  
“Кеча капалак тутиб олдим: катта, чиройли, лекин бемаза”. \*\*\*
- Рухий касалхонада шифокор беморга:  
— Табриклайман, биз ажойиб натижага эришдик.  
— Нимаси ажойиб? Олти ой муқаддам Наполеон эдим, энди кимман? Ҳеч ким... \*\*\*
- Кеча кимдир полизани пайхон қилибди!  
— Балки зобитлардир. Кеча шу атрофда юришганди.  
— Қанақа зобит? Оёқ излари одамники-ку!  
Жамшидбек тайёрлади

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:  
**Иззат АҲМЕДОВ**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Алишер ХЎЖАЕВ,  
Шухрат ЖАББОР,  
Шодмон ОТАБЕК  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Мирғўлнат МИРЗО,  
Рустам ҚОСИМОВ

Мақоиллик: 700000, Тошкент-35,  
А. Толстой кўчаси, 1-уй.  
Тел.: 136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
**Habar@aci.uz**  
Индекс: 64600  
Жума кўнлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма №Г-424.  
8934 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета тақририят компютер базасида терилди ва саққаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА  
Саҳифаловчи: Ш.КИМАНБОВ

Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00